17 АПР 1984

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 86 (5377).
14 АПРЕЛЬ 1984 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

тонгги газеталарда

● Космосга қилинган ҳар бир парвоз — нотаниш сўқмоққа қўйилган қадам деса бўлади. У совет характерининг энг яхши фазилатлари: мардлик, қаҳрамонлик, социалистик Ватанга астойдил садоқат намуналарини кўрсатишни талаб қилади. Бу гап «Салют-7» — «Союз» орбитал илмий тадқиқот комплекси ишида 150 сутка учиш вақтида ноёб операцияларни амалга оширган космонавтлар В. А. Ляхов билан А. П. Александровга тўла-тўкис тааллуқлидир. Бу операциялар илм-фан, техника ва халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида кенг миқёсда қўлланилади.

13 апрель куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко космос қаҳрамонларига Ватаннинг юксак мукофотларини топширди.

Мукофотларни топшириш вақтида ўртоқ К. У. Черненко нутқ сўзлади.

Ўртоқ К. У. Черненконинг нутқи тонгги газеталарда эълон қилинган.

● Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар сув хўжалиги органлари раҳбарлари кенгаши муваққат иш группасининг тўртинчи мажлиси 13 апрель куни Тошкентда ниҳоясига етди.

• *Эртага — Совет фани куни*

ОЛИМЛАРНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

Эртага бутун мамлакатимиз Совет фани кунини нишонлайди. Фанимизнинг ўн минглаб муносиб намояндалари Ватанимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшишмоқда. Ана шу байрам арафасида Тошкентда фан кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Уни Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари М. Ф. Солдатов очди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Ю. Юсупов доклад қилди. Тошкент халқ хўжалиги институтининг ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор М. Ш. Шарифхўжаев, «Миконд» заводи синовчиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Л. П. Трушина, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси математика институтининг директори М. С. Салоҳиддинов олимларнинг ютуқлари, уларнинг КПСС Марказий Комитети сўнгги Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненконинг нутқларидан келиб чиқадиган режалари ҳақида сўзлаб бердилар.

(Совет фани кунига бағишланган материалларни газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз.).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

Суратда: СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси.

ТАСС — ЎзТАГ телефотоси.

13 апрель куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

К. У. Черненко мажлисни очиб, Президиум аъзоларини СССР Олий Советининг доимий ишловчи органи составига сайланганликлари билан самимий табриклади ва Президиумнинг ҳамма аъзолари партия билан Олий Совет уларнинг зиммасига юклаган масъулият юксаклигида бўлиш учун куч ва ғайратларини аямай сарфлашларига ишонч билдирди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари **В. В. Кузнецов** ўз нутқида Президиум аъзолари номидан К. У. Черненкони СССР Олий Совети Президиуми Раиси юксак давлат лавозимига сайланганлиги билан астойдил табриклади. Тўла якдиллик ва жипслик вазиятида баланд руҳ билан қабул қилинган бу қарор партия билан бутун халқимизнинг хоҳиш-иродасини ифодалайди. Бу қарор Коммунистик партиянинг раҳбарлик роли билан чамбарчас боғланган бўлиб, совет жамияти ва давлатининг олий манфаатларига асосланади. В. В. Кузнецов КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненкога ўзининг кўп қиррали партия ва давлат фаолиятида янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

СССР Олий Советининг Президиуми КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленуми қарорларини амалга ошириш соҳасида халқ депутатлари Советларининг вазифалари тўғрисидаги масалани ҳамда СССР Олий Советида 1984 ва 1985 йилларда ўтказиш мўлжалланаётган асосий тадбирлар плани ҳақидаги масалани кўриб чиқди. КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель Пленуми, ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси мамлакатнинг сиёсий ҳаётида катта воқеалар бўлганлиги мажлисда уқтириб ўтилди. Ўртоқ К. У. Черненконинг шу анжуманлардаги нутқлари — КПСС-нинг ижтимоий ривожланиш энг зарур вазифаларини ҳал этишга амалий, ижодий ёндашаётганлигининг ёрқин тимсолидир. Бу нутқларда баён этилган қоида ва хулосалар партиянинг социалистик халқ ҳокимияти асосларини мустаҳкамлашга, давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларидаги ишларнинг аҳволи учун халқ депутатлари Советларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган изчил йўлини давом эттиради ҳамда чуқурлаштиради.

КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг қарорлари, ўртоқ К. У. Черненконинг нутқлари Советларнинг иш самарадорлигини ошириш, уларнинг меҳнаткашлар талаб-эҳтиёжларини янада тўла-тўкис қондириш учун бўлган масъулиятини кучайтириш, социалистик демократияни янада ривожлантириш борасида алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Халқ ҳокимияти органлари партиянинг Советлар роли ва обрў-эътиборини ошириш тўғрисидаги доимий ғамхўрлигининг мана шу янги ифодасига амалий иш билан, ўз олдиларига қўйилган вазифаларни ҳал этишда янада зўр активлик ва собитқадамлик билан жавоб беришлари керак.

Мажлисда **К. У. Черненко** нутқ сўзлади.

Ҳозир биз, деди у, КПСС XXVI съезди қарорларини, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини амалга оширишнинг масъулиятли маррасида турибмиз. Кейинги йилларда эришилган иш суръатини мустаҳкамлабгина қолмай, янада ривожлантириш ҳам керак. Бу вазифани ҳал этишда халқ депутатлари Советлари муҳим роль ўйнайди.

КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми ҳозирги босқичда Советларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини равшан белгилаб берди. Бунинг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир Совет ўз ҳуқуқлари ва вазифаларини тўла-тўкис амалга оширсин, активлик билан ва натижадор ҳаракат қилсин, доимо оммага таяниб иш тутсин, жамият ва давлат ишларини идора қилишга тобора кўпроқ меҳнат аҳлини жалб этсин.

СССР Олий Совети — мамлакатимиз Советлари бутун системасининг ажралмас қисми ва айни вақтда уларнинг олий бўғинидир. Янги Конституция кучга киритилганидан кейин Олий Совет ўзининг кенг ваколатларини анча изчил рўёбга чиқара бошлаганлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Унинг сессияларида хилма-хил масалалар муҳокама қилинадиган бўлиб қолди. Қонунлар чиқариш соҳасида катта программа бажарилди. Олий Совет, унинг Президиуми ва доимий комиссияларининг контроллик фаолияти кучайтирилди. Айни вақтда Сиёсий бюро СССР Олий Советининг диққат марказида турган проблемалар доирасини кенгайтириш йўлидан янада олға бориш лозим деб ҳисоблайди. Шу мақсадда унинг сессиялари муҳокамасига хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг у ёки бу тармоқларидаги ишларнинг аҳволи, ташқи сиёсат, халқ депутатлари Советларининг иши хусусидаги масалалар тез-тез киритиб турилиши керак.

Қонунларни ривожлантириш ва такомиллаштириш СССР Олий Советининг энг муҳим вазифаларидан биридир, деди К. У. Черненко. Кейинги йилларда бу соҳада кўп иш қилинди. СССР Конституциясидан келиб чиқадиган бир қанча йирик қонун актлари қабул қилинди. Қонунлар мажмуаси устидаги иш ниҳоясига етай деб қолди.

Аммо ҳали бу соҳадаги ишларнинг ҳаммаси ҳам тугалланди, деб бўлмайди. Қонун чиқариш жараёни моҳиятининг ўзи ҳам доимий такомиллашувни талаб қилади, планли ишлашни тақозо этади. Бу вазифани ҳал қилишда янги беш йиллик муддатга (1986—1990 йилларга) ва 2000-йилгача мўлжалланган қонун актларини тайёрлаш планини ишлаб чиқиш муҳим роль ўйнаши лозим.

Қонун чиқарувчилик фаолиятини мана шундай планлаштиришни умуман мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришни планлаштириш билан маҳкамроқ боғлаб олиб бориш кераклигини тажриба кўрсатиб турибди.

Бизнинг қонунларимиз ҳар бир орган, мансабдор шахс, граждан Ленин неча марталаб танқид қилганидек, мавҳумлик иллатига йўл қўймасликлари учун уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини аниқ-равшан белгилаб бериши ғоят муҳимдир, деб таъкидлади К. У. Черненко.

Қонунларни яратишга бундай ёндашиш — етук социализмни такомиллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масъулият, уюшқоқлик ва интизомни оширишнинг зарур шартларидан биридир. Бу эса ўз навбатида планларимиз ва қарорларимизнинг амалга оширилиши устидан, Совет қонунларининг ҳар бир сатри бекаму-кўст бажарилиши устидан контролликни жиддий равишда кучайтиришни талаб қилади.

Олий контрол СССР Олий Совети кундалик ишининг энг асосий соҳаларидан бири бўлиши керак. Шу муносабат билан Олий Совет сессияларида ва унинг Президиуми мажлисларида Ҳукуматнинг, министрликлар, идораларнинг, халқ контроли комитетининг, олий суд ва бош прокурорнинг ҳисоботлари расман эмас, балки моҳият жиҳатидан тез-тез муҳокама қилиб турилиши лозим.

Олий Совет сессияларида депутатларнинг ҳукуматга ва ҳисобот берувчи бошқа органларга сўровлари мунтазам равишда муҳокама қилиниши керак.

Олий Советнинг ишини кучайтиришга доимий комиссиялар тобора катта ҳисса қўшишлари лозим. Чунки сессиялар ўртасидаги даврда улар олий ҳокимият органининг ишини давом эттирадилар. Аммо комиссиялар тармоқ министрликлари ва идораларининг вазифаларини бажариш билан асло шуғулланмасликлари керак. Улар асосан тармоқлар «туташган» соҳаларда, экономикамизни комплекс ривожлантириш масалалари ҳал этиладиган, ҳар қандай тор маҳкамачилик ва маҳаллийчилик тенденцияларига қарши умумдавлат манфаатлари қаттиқ туриб ҳимоя қилинадиган соҳаларда фаолият кўрсатишлари керак.

Доимий комиссиялар министрликлар ва идораларнинг ишини янада чуқурроқ ва конкретроқ контрол қилишлари лозим. Шу контрол натижалари юзасидан комиссияларга бошқарув органлари ишини баҳолабгина қолмай, шу билан бирга зарурат туғилган ҳолларда тегишли конкрет таклифлар киритиш ҳуқуқи бериш мумкин бўлур эди.

Кейинги йилларда, деди сўзини давом эттириб, К. У. Черненко, СССР Олий Совети ташқи сиёсат проблемалари билан анча актив шуғулланмоқда, халқларнинг хавфсизлигини ва тинч ҳамкорлигини таъминлаш, қуролланиш пойгасига қарши курашнинг энг ўткир масалалари ҳусусида оператив фикр билдирмоқда. Халқаро аҳволнинг, бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий ҳамкорлик қилишнинг, парламентлараро алоқаларни ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари бундан буён ҳам олий ҳокимият органимизнинг, унинг ташқи ишлар комиссияларининг, СССР парламент группасининг диққат марказида бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Биздаги мавжуд демократик иш формаларини сабот билан такомиллаштириш, уларни конкрет сиёсий мазмун билан тўлдирди, Олий Совет фаолиятидаги ошкораликни кенгайтириш лозим. Жумладан, масалаларнинг доимий комиссияларда муҳокама қилинишини, жойлардаги депутатларнинг ишини матбуотда, радио ва телевидение орқали кенгроқ ёритиш мумкин бўлур эди. Бу ишда «Известия» газетаси ва «Советы народних депутатов» журнали ибрат бўлиши керак, албатта.

Советларнинг хўжалик ва маданий қурилишдаги ролини очиқ-ойдин ошириш уларнинг социал масалалар ҳал этилиши ва меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари тўла-тўкис қондирилиши учун масъулиятини кучайтириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиниши лозим. КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида мамлакатимиз халқ депутатлари барча Советларининг яқин орадаги ва истиқболдаги вазифалари белгилаб берилди. Бироқ, чамаси, Советлар ўзларининг яқин орада ўтказиладиган сессияларида апрель Пленумининг якунларини муҳокама қилиб, унинг қарорларини бажаришга оид конкрет тадбирларни ишлаб чиқсалар тўғри бўлур эди.

Советларнинг ҳуқуқлари кенг, фақат улардан лозим даражада фойдаланиш, расмиятчиликни таг-туби билан тугатиш, пассивликдан халос бўлиш, ҳамма ишларда актив, ижодий позицияларда туриш керак.

Бу ердагилар маҳаллий аҳолининг талаб-эҳтиёжларини аниқ билишлари, шу талаб-эҳтиёжларни қунт билан қондиришлари айниқса муҳимдир, деб уқтирди сўнгра К. У. Черненко. Бу нарса Советларнинг сайловчилар наказларини бажариш соҳасидаги ишида жуда яққол намоён бўлади. Шу сабабли Совет томонидан ижро учун қабул қилинган наказ, албатта планга киритилиши, сайловчиларнинг наказларини бажариш учун муайян моддий ресурслар ажратилиши қоида тусига киритилиши лозим.

Советлар маиший хизмат муассасалари, поликлиникалар ва мактаблар, маҳаллий транспорт яхши ишлаши учун, хуллас совет кишиси ҳамма жойда халқ ҳокимиятининг доимий ғамхўрлигини сезиб туриши учун жуда кўп иш қилишлари керак. Шу билан бирга Советларнинг иши ҳеч қачон фақат маҳаллий ишлар билангина чекланиб қолган эмас. Чунки ҳозир ҳар қандай маҳаллий ишлар умумдавлат ишларимизнинг нақадар муваффақиятли бораётганлигига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ боғлиқдир. Шу боисдан ҳам ҳар бир маҳаллий Совет доимо умумдавлат манфаатларининг жонкуяр ижрочиси бўлиши, энергетика ва Озиқ-овқат программалари каби умумдавлат программаларининг бажарилишини, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқарилишини, умумий таълим ва ҳунар мактаби ислоҳотини диққат марказида тутиши зарур.

Шу муносабат билан халқ ҳокимиятининг барча ваколатли органлари ишига СССР Олий Совети ва унинг Президиуми қиладиган раҳбарликнинг, Советлар тажрибасини умумлаштириш, шу тажрибадаги жамики яхши жиҳатларни оммалаштиришнинг аҳамияти кўп карра ортади. Жумладан, бир қанча республика ва областларда ўтказилаётган депутатлар кунлари жуда яхши самара бермоқда, деб уқтирди К. У. Черненко. Бу соҳада янада яхшироқ ва янада активроқ ишлаш керак.

Иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларининг фаолияти ҳам шу йўналишда ривожланиб бориши зарур. СССР Олий Советининг ишида бўлгани каби, уларнинг ишида ҳам план ва бюджетни кўриб чиқиш, қонунларни такомиллаштириш, давлат қарорларининг бажарилиши устидан контроллик қилиш масалаларигина эмас, шу билан бирга халқ депутатлари маҳаллий Советларининг фаолиятига тобора актив раҳбарлик қилиш ҳам биринчи ўринда туриши лозим.

СССР Олий Советининг келгуси даврдаги иш плани лойиҳасида олий совет шуғулланиши лозим бўлган масалалар етарлича тўлиқ акс эттирилган, деди сўзининг охирида К. У. Черненко. Бу ишнинг асосий мақсадлари ҳам аниқ танлаб олинган, бу мақсадлар халқ хўжалигининг самарадорлигини оширишдан, унинг сифат кўрсаткичларини яхшилашдан, КПСС XXVI съезди белгилаган социал тадбирларни рўёбга чиқаришдан, халқ фаровонлигини юксалтиришдан, социалистик демократияни янада чуқурлаштиришдан, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдан иборат. СССР Олий Совети аввалгидек қуролланиш пойгасини жиловлаш, тинчлик, ер юзидаги барча халқлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш сиёсатини изчиллик ва собитқадамлик билан ўтказаберади.

СССР Олий Совети Президиумининг мазкур масалага оид қарорида КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленумининг «Халқ депутатлари Советлари ишини янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини муттасил бажариладиган дастуриламал деб қабул этиш ҳамда уни мамлакат давлат ҳокимиятининг олий ва маҳаллий органлари бутун фаолиятига асос қилиб олиш зарурлиги уқтирилади.

Халқ депутатлари Советларига КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни сессияларда кўриб чиқиш, мазкур қарорларни бажариш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш, ўзларининг СССР Конституциясида, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Конституцияларида, Советлар тўғрисидаги қонунларда белгилаб қўйилган ваколатларини янада самарали амалга ошириш тавсия этилди. Халқ депутатлари ҳар бир Совети Пленум қарорларидан амалий хулосалар чиқариб олиши, бу қарорларнинг беками кўст бажарилишини таъминлаши лозим.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларига хўжалик ва социал-маданий қурилишга раҳбарлик даражасини янада оширишни таъминлаш, ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда дуруст қатъиятлилик кўрсатиш, жойлардаги экономикани комплекс ривожлантиришга, бошқаришдаги территориал ва тармоқ негизларини бирга тўғри қўшиб олиб боришга, умумдавлат манфаатларига қатъий риоя этишга алоҳида эътибор бериш таклиф қилинди. Тегишли Совет территориясида жойлашган, қайси идорага қарашли эканидан қатъий назар барча корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини ўз ҳуқуқлари доирасида контрол қилиш ва мувофиқлаштириш кучайтирилсин. Озиқ-овқат ва энергетика программаларини бажаришда актив қатнашилсин, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, уй-жой ва коммунал хўжаликни ривожлантириш планларининг бажарилиши, хизмат соҳасининг кенгайтирилиши, аҳолига хизмат қилиш маданиятининг оширилиши масалалари билан кун сайин шуғулланилсин.

Советлар совет кишиларининг меҳнати ва турмуши масалаларини доимо диққат марказида тутишлари, аҳоли ўртасидаги сиёсий-тарбиявий ва маданий-оммавий ишни кучайтириш, интизомни мустаҳкамлаш, ҳар бир коллективда қонун ва тартибни ҳар қандай бузиш ҳолларига нисбатан муросасизлик муҳитини вужудга келтириш учун мавжуд восита ва имкониятлардан самарали фойдаланишлари лозим. Советлар СССР халқларининг дўстлиги ва қардошлигини янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга, меҳнаткашларни интернационализм ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини кучайтиришга ҳар томонлама кўмаклашишлари керак.

КПСС Марказий Комитети 1984 йил апрель Пленуми ҳамда СССР Олий Совети биринчи сессиясининг умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги қарорларини бажариш, ёшларга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини таъминлашга, халқ маорифи ишига раҳбарлик савиясини оширишга, педагог кадрларнинг меҳнат ва турмуши учун зарур шарт-шароитларни яратишга оид тадбирларни муттасил турмушга татбиқ этиш халқ депутатлари Советларининг асосий вазифаларидан биридир.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари қонун чиқарувчилик, бошқарув ва контрол қилишни бирга қўшишдан иборат ленинча принцип изчиллик билан ўтказилишини таъминлашлари зарур. Барча бўғинлардаги халқ депутатлари Советларига раҳбарликни янада такомиллаштириш тадбирлари кўрилсин. Советлар сессияларининг иши активлаштирилсин, депутатларнинг сўровлари практикаси кенгайтирилсин ва яхшилансин, қонунларга риоя этилиши, сайловчиларнинг наказлари рўёбга чиқарилиши, ҳисобот берувчи органларнинг иши устидан Советларнинг, улар доимий комиссияларининг контроли таъсирчанлиги оширилсин.

СССР Олий Совети Президиуми халқ депутатлари барча Советлари ўз иши мазмуни ва услубини ривожлантириб ва яхшилаб, кенг аҳоли оммаси билан алоқани мунтазам равишда мустаҳкамлаб, ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлигида ҳал этилаётган вазифаларини бажаришга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдиради.

Президиум 1984 ва 1985 йилларда СССР Олий Советида ўтказиш учун белгиланган асосий тадбирлар планини маъқуллади.

(ТАСС).



ПРОЛЕТАРИИ ВСЕХ СТРАН, СОЕДИНЯЙТЕСЬ!
С.С.С.Р.

Бугун Тошкент пролетариатининг Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганига 60 йил тўлди.

Ўзбекистон пойтахти бу мукофотга революцион ҳаракатдаги катта хизматлари, граждандар уруши даврида фронтга берган ёрдами, социалистик қурилишдаги актив иштироки учун сазовор бўлган эди. Бугунги кунда Тошкент ишчилар синфи шонли меҳнат анъаналарини давом эттирмоқда.

СУРАТДА: бугунги Тошкентнинг жамоли.

ЎзТАГ фотоси.

ФАН ВА ТЕХНИКА—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИДА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ҚОШИДАГИ ИДЕОЛОГИЯ АКТИВИ МАКТАБИНИНГ МАШҒУЛОТИ

КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленуми ва ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси қарорлари республика пойтахти меҳнаткашларини янги муваффақиятлар сари илҳомлантирмоқда. Тошкентнинг меҳнат коллективлари барча асосий кўрсаткичлар бўйича беш йилликнинг тўртинчи йили биринчи квартал топшириқларини муваффақиятли бажардилар.

КПСС Марказий Комитетининг июнь, декабрь (1983 йил) ва февраль, апрель (1984 йил) Пленумларида таъкидлаб ўтилганидек, КПСС XXVI съезди қарорларини муваффақиятли амалга оширишда фан ва техника тараққиёти ютуқларини, илғор технологияни актив ва планли суратда практикага жорий этиш муҳим роль ўйнамоғи лозим.

Республиканинг ишлаб чиқариш, иқтисодий потенциалини, ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришнинг актуал проблемаларини ҳал этишда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси олимларининг кашфиётлари тадқиқотлари ва илмий асарлари катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Тошкент шаҳар партия комитети қошидаги идеология активи мактабининг навбатдаги машғулоти Ўзбекистон ССР Фанлар академияси институтларининг муваффақиятларини пропаганда қилиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳар томонлама ошириш мақсадида уларни практикага тезроқ жорий этиш бўйича партия ташкилотларининг вазифаларига бағишланди.

Машғулот қатнашчилари ҳузурида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, академик О. С. Содиқов сўзга чиқди. У республика агросаноат комплексини янада ривожлантиришнинг актуал масалалари бўйича тингловчиларнинг кўплаб саволларига жавоб берди.

Йиғилишдан сўнг машғулот қатнашчилари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ядро физикаси институти олимларининг муваффақиятлари билан танишдилар, улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўлланилмоқда.

Машғулотга Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари М. Ф. Солдатов раҳбарлик қилди.

Бугун биз машғулот материалларини ёритяпмиз.

КЕЛАЖАККА БИР НАЗАР

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ПРОБЛЕМАЛАРИ ЎЧОҒИДА

П. Қ. ҲАБИБУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
вице-президенти,

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фаолияти КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари белгилаб берган вазифаларни ҳал этишга қаратилган. Бу вазифалар эса экономика самарадорлигини ошириш, илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш потенциалидан, моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш йўлларини актив излашга чорлайди. Партиямизнинг бу йўли КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўрток К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитетининг февраль, апрель (1984 йил) Пленумларида сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтилган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг олимлари муҳим халқ хўжалик вазифаларини ҳал этишга катта ҳисса қўшмоқдалар. Бугунги кунда республика Фанлар академияси бошқаришнинг автоматлаштирилган системасини яратиш, табиий қўшилмалар химияси, оқсил ва алкалоидлар, биологик актив ва доривор препаратларни олиш, биоорганик химия, минерал ўғитлар химияси, ядро физикаси, ярим ўтказгич ва диэлектриклар физикаси, электроника, қуёш энергияси трансформацияси, ер ости иншоотлари сейсмодинамикаси, зилзилани олдиндан айтиб бериш, ер қобиғи ва унинг чуқур қатламлари тузилишини тадқиқ этиш, пахтанинг янги навлари селекцияси ва уруғчилиги, тупроқ унумдорлигини ошириш соҳаларидаги ютуқлари билан маълум ва машҳурдир.

Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган йилларида илмий ишларни жорий этишдан олинган халқ хўжалиги умумий самараси 2 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этди, ўртача ҳар йили ҳар бир сўмлик харажатдан 5,5 сўмдан фойда кўрилди.

Илмий-техника тараққиётининг ҳозирги босқичи Фанлар академияси олдига мураккаб вазифалар қўймоқда. Бироқ, кўриниб турибдики, улардан энг асосийси тадқиқотларнинг етарли савияда бўлишини таъминлаш, қисқа муддатда янада актуал проблемаларни ҳал этиб, улардан максимал самарага эришишдан иборатдир.

Ҳозир илмий-техника революцияси ишлаб чиқаришдаги меҳнатни автоматлаштиришга ўта бориш билан боғлиқдир. Бу кўп жиҳатдан унинг социал аҳамиятини белгилаб беради. У инсонни оғир қўл меҳнатидан озод этмоқда. Мана шундан эса меҳнатни тежовчи илмий-техника сиёсатининг бош йўналиши — механизациялаш ва автоматлаштиришга катта эътибор келиб чиқади.

Гап халқ хўжалигининг барча соҳаларида ҳисоблаш техникаси, микропроцессорлар, электроника, автоматлаштирилган манипуляторлар, роботлашган комплексларни кенг жорий этиш ҳақида бормоқда. Бу эса меҳнат унумдорлигини тубдан оширади, республиканинг иқтисодий ва илмий-техника потенциалини сифат жиҳатдан янги даражага кўтаради.

Бу ишларнинг муҳимлиги шундан ҳам кўриниб турибдики, КПСС Марказий Комитети халқ хўжалиги тармоқларида автоматик манипуляторлар (роботларни) ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларни кенг қўллаш юзасидан тадбирлар тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Шу билан бирга бошқаришнинг автоматлаштирилган системасини яратиш, ҳисоблаш техникасини ва автоматик манипуляторларни жорий этиш бўйича ишларнинг савияси ва суръати илмий-техника тараққиётининг талабларига ҳали жавоб бермаётир.

Ҳанузгача илмий тадқиқотларда математик ва кибернетик методлар етарлича қўлланилганича йўқ. Бошқача қилиб айтганда, илмий экспериментни автоматлаштириш бўш ишлаб чиқиляпти. Республика министрликлари ва идоралари ҳисоблаш техникасидан ишлаб чиқаришда етарлича фойдаланишмаяпти. Академия институтлари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг бир-бири билан келишмасдан иш кўраётганликларига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Республика Фанлар академиясида йирик сув хўжалик комплексларини бошқаришнинг автоматлаштирилган системасини яратиш ва ана шу мақсадлар учун техника воситаларини ишлаб чиқиш тажрибаси тўпланган. СССР Сув хўжалиги министрлиги билан узвий ижодий алоқалар ўрнатилган. Лекин республиканинг конкрет сув хўжалиги системасини танлаш ва комплекс тадқиқотларни бошлашга ҳанузгача муваффақ бўлинмаяпти.

Фанлар академияси кейинги вақтда ишлаб чиқаришнинг роботлашган комплексларини ва ихчам автоматлаштирилган ишлаб чиқаришларни яратишнинг назарий ва амалий жиҳатларини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. XI беш йилликда республикамизда мингдан зиёд автоматик манипуляторлар ва саноат роботларини жорий этиш кўзда тутилган. Ҳозир 200 га яқин робот-техника мосламалари жорий этилди.

Айрим автоматик бошқариладиган машиналардан автоматлаштирилган системаларга, цехлар ва тўла автоматлашган корхоналарга ўтиш, уларни янги техника ва илғор тажрибаларнинг ҳақиқий лабораториясига айлантириш ҳамда улар базасида кадрларни ўқитиш ва тайёрлаш зарур. Илмий-техника тараққиётининг мантиғи ана шуни талаб этмоқда.

Пахтачилик самарадорлигини оширишда янада такомиллашган машиналар базасида ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришни ниҳоясига етказиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу вазифани муваффақиятли амалга ошириш эса шу соҳада иш олиб бораётган олим, конструкторлар, ва ишлаб чиқариш ходимларининг куч-ғайратларини бирлаштиришни талаб қилади.

Ҳозирги пайтдаги асосий йўналишлардан бири энг аввало том маънода энергетика проблемасини ишлаб чиқишдир. Ёқилғи, ўсимлик ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни қайта ишлашнинг янада самарали методлари, гидроресурслардан фойдаланишнинг энг замонавий усулларини яратиш, қуёш энергетикаси — буларнинг ҳаммаси доимий эътиборни талаб этади.

Ер тўғрисидаги фан соҳасида кўпгина тадқиқотлар ёқилғи-энергетика комплексида техника тараққиётини жадаллаштиришга, шу жумладан, конларни қидириш, ўзлаштириш ва эксплуатация қилиш методларини такомиллаштиришга қаратилган. Республиканинг энергетика хом ашёси—нефть, кўмир, газга бўлган эҳтиёжини ўзимиздаги ресурслар ҳисобига қоплашимиз зарур. Бунинг учун кам қувватли конларни эксплуатация қилишнинг такомиллашган методлари ишлаб чиқилмоқда.

2005 йилгача илмий-техника тараққиёти комплекс программасига кўра республиканинг минерал хом ашё ресурсларини ривожлантиришнинг программасида (уни Фанлар академияси Ўзбекистон ССР министрликлари ва идоралари иштирокида ишлаб чиққан) геофизик, геохимик, металлогеник, космогеологик методлар воситасида Ўзбекистон территориясида қора, рангли, нодир металлар, норуда ва ёқилғи-энергетика хом ашёси истиқболларини олдиндан айтиб бериш мақсадида илмий-тадқиқотларни кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Янги конларни ҳар томонлама ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш ҳисобига ишлаб турган кон-руда, металлургия корхоналарининг хом ашё базаларини анча кенгайтириш вазифаси қўйилмоқда.

Электр энергияни ҳосил қилишнинг ва истеъмол қилишнинг анъанавий технологиясини такомиллаштириш соҳасидаги илмий-техника проблемасини ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

Олимларимиз олиб бораётган тадқиқотларнинг истиқболли йўналишлари — ярим ўтказгич, термодинамик, қуёш энергетикасидан иссиқлик энергияси ҳосил қилиш ва бошқалардир.

Келажак энергетикасини кўп жиҳатдан ядро физикасининг муваффақиятлари белгилаб беради. Бу соҳадаги амалий тадқиқотлар энергетиканинг принципиал янги манбаларини яратишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мутахассисларнинг тахминича, XII беш йилликдаёқ республикада энергетика танқислиги кутилмоқда. Шунинг учун энергиянинг барча манбаларидан фойдаланиш ва янгиларини яратиш, шу жумладан қуёш электр станциялари яратиш вақти келди.

Илмий-техника тараққиётининг муҳим жиҳатларидан бири — технологиядир.

Республика Фанлар академияси, унинг барча бўлимлари ўз куч-ғайратларини шундай прогрессив технология, замонавий комплекс ва системаларни ишлаб чиқишга қаратмоқдаларки, буларни Ўзбекистоннинг табиий-иқтисодий шароитлари, ўзига хос хусусиятлари тақозо этмоқда.

Мутахассисларимиз ер устидаги ва остидаги иншоотлар сейсмодинамикаси бўйича, зилзила хавфини олдиндан сезиш ва уни олдиндан «айтиб берадиган» автоматик системаларни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотларни янада ривожлантиришга катта эътибор бермоқдалар.

Фан ва техника ютуқларини жорий этиш асосида қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган пахтачилик тез суръатлар билан ривожланмоқда. Фанлар академиясининг шу соҳада иш олиб бораётган олимлари куч-ғайратлари яхши тола берадиган, чигити серёғ ва кўп оқсил берадиган пахта ўсимлиги навларини яратишга қаратилган.

Химиклар эса ўғитларнинг янги турларини яратиш ва уларнинг ўсимликларга сингишли бўлишини ошириш устида ишламоқдалар.

Биотехнологияни ривожлантириш янги истиқболли йўналиш бўлиб қолди. Ҳозирдаёқ биотехнология анчагина иқтисодий самара бермоқда. Озиқ-овқат программасида бажаришга биотехнологиянинг роли каттадир. У замонавий медицинада мустаҳкам «жойлаша олди».

Ягона илмий-техника сиёсатини ўтказиш тадқиқотларни муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради. Фанлар академиясининг олимлари республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришни прогноз қилиш, барча турдаги ресурслардан оқилона фойдаланишнинг назарий ва амалий проблемаларини ўрганиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасида катта ишлар қилишди. Планлаштиришнинг аниқ мақсадга қаратилган программа методини жорий этиш борасида кўп ишлар қилинди. Ҳозир Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий муассасалари 26 та Бутуниттифоқ ва 9 та республика илмий-техника программасини бажаришда қатнашмоқдалар.

Фан билан ишлаб чиқариш алоқаларининг янада оқилона ташкилий формаларидан фойдаланиш туфайли илмий фаолият самарадорлиги ошиб бормоқда. Ана шу ҳамкорликнинг формаларидан бири республика саноат корхоналарида академия институтларининг тармоқ ва база лабораторияларини ташкил этишдир. Бугунги кунда 6 та ана шундай лаборатория ташкил этилган.

Илмий-техника тараққиёти «Фан —техника—ишлаб чиқариш» бирлигини тақозо этмоқда. Бироқ бу борадаги ўзаро алоқа ҳанузгача мустаҳкам бўлмаяпти. Министрликлар ва идоралар кўпинча программадаги топшириқларни бажаришга етарлича молиявий ва моддий-техника ресурслари ажратишмаяпти.

Ҳозирги даврда фанимиз олдида турган вазифалар мураккаб ва масъулиятлидир. Фан илмий-техника тараққиётининг катализатори бўлиб қолди. У коммунистик қурилишнинг техникавий иқтисодий ва социал проблемаларини ишлаб чиқишнинг олдинги сафида турибди.

Биз, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг олимлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги илмий-техника тараққиётини янада жадаллаштирувчи янги илмий муваффақиятлар билан кутиб оламиз.

> Интенсивлаш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жадал жорий этиш, йирик комплекс программаларини амалга ошириш—мана шуларнинг ҳаммаси пировард натижада жамиятимизнинг ишлаб чиқарувчи кучларини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариши керак.
>
> К. У. ЧЕРНЕНКО.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ядро-физикаси институ коллективи мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришга, назарий про лемалар ва амалий вазифаларни ҳал қилишга катта ҳисса қўшмоқда.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) институт директори ўринбосари, физи техника фанлари доктори А. А. Кист идеология активи мактаби маш лотларининг қатнашчиларини атом реактори иши билан таништирмоқ (Пастда) мактабда машғулотлар пайти.

Т. Каримов фотола

ПАХТА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ЎЙЛАБ

Ж. А. МУСАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ўсимликлар экспериментал биологияси институти директори, биология фанлари доктори, профессор.

Инсониятни ҳаётий ресурслар билан таъминлашда пахтачилик муайян роль ўйнайди. У тўқимачилик, ёғ, озиқ-овқат ва саноатнинг бошқа тармоқлари учун хом ашё етказиб беради. Пахтадан 1200 дан зиёд химик моддалар олинади. Совет Иттифоқи пахта етиштириш бўйича жаҳонда биринчи ўринда туради.

Йил сайин Ўзбекистон деҳқонлари пахтадан мўл ҳосил олмоқдалар. Пахтачиликда эришилаётган муваффақиятларда бизнинг ҳам муносиб ҳиссамиз бор. Ҳозир институт бешта Бутуниттифоқ ва иккита республика комплекс программасини бажаришда қатнашмоқда. У Ўрта Осиё республикаларида пахта ўсимлигининг генетикаси, физиологияси ва биохимияси бўйича илмий-тадақиқот ишларини координация қилувчи бош марказ ҳисобланади. Биз 21 та бюджет ва 10 та хўжалик шартномаси тематикаси бўйича тадқиқотлар олиб боряпмиз.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, коммунист А. А. Абдуллаев бошчилигида ғўзанинг ранг-баранг навлари ,турлари ва формалари жаҳон коллекцияси тўпланди. Унинг 27 хилдаги 4 мингдан зиёд намуналари бор. Ана шу коллекция асосида ҳар томонлама генетик ва физиологик, биохимик тадқиқотлар ўтказиш методикаси ишлаб чиқиляпти.

Институтда вильтга чидамли «донор» аниқланди. Бу— пахтанинг Мексикадан келтирилган ёввойи формасидир. Уни маданий сортлар билан чатиштириш методикаси ишлаб чиқилган. Бу методдан фойдаланиб, ВАСХНИЛ академиги, институтимизнинг вильтга чидамли пахта ўсимлиги генетикаси лабораториясининг мудири, коммунист С. М. Мираҳмедов ўз ходимлари билан биргаликда «Тошкент —1», «Тошкент— 2», «Тошкент —3» каби вильтга чидамли навларни яратди.

Институтда амалга оширилаётган генетик, физиологик, биохимик тадқиқотлар пахтачиликнинг амалий проблемаларини ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшиш имконини берди. Фақат ўнинчи беш йилликнинг ўзидагина 30 дан зиёд юқори сифатли навлар жорий этилди. Уларнинг кўплари яхши самара берди.

Институтда яратилган навлар экилган майдон 1983 йилда Ўзбекистон ССРда бир миллион гектарга яқин майдонни ташкил этди ёки бу умумий пахта майдонининг 58 процентдан кўпроғини ташкил этди. Бу навларни жорий этишнинг иқтисодий самараси 1982 йилда 88 миллион сўмдан зиёдроқ маблағни ташкил этди. Бизда тупроқнинг унумдорлигини ва маълум майдонларда пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини оширишнинг биологик асослари ишлаб чиқилмоқда. Фақат 1982 йилда уни қўллаш натижасида 2,9 миллион сўмдан зиёд фойда олинди. Бу проблема бўйича тадқиқотлар олиб бориш Озиқ-овқат программасини ҳал этишга шак-шубҳасиз ҳисса қўшади, пахта экиладиган зоналарда озуқа ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш имконини беради.

Озиқ-овқат программасини ҳал этишда институтда олиб борилаётган пахта навларининг ёғ ҳосил қилиш «қобилияти»ни ўрганиш ҳам Озиқ-овқат программасини ҳал этишга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Бунда энг мақбул навларни танлаб олиш уруғларнинг бошқа фазилатларига зарар етказмаган ҳолда ундаги ёғни кўпайтириш имконини беради.

Институтда пахта ўсимлигининг сув-озуқа режими, шўрга чидамлилиги ва вильтга чидамлилигининг физиологик-биохимик асослари ўрганилмоқда, унинг ўсишига таъсир этувчи «механизм»лар тадқиқ этилмоқда. Бу тадқиқотлар якунлари бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилмоқда.

Институтимиз тавсиясига кўра чигитга физиологик актив моддалар эритмаси билан экиш олдидан ишлов бериш салкам бир миллион гектар майдонда республикага 35 миллион сўмдан зиёд даромад келтирди. Институт томонидан пахта ўсимлигини азот—фосфор билан озиқлантириш ва суғориш тавсияномалари ишлаб ч қилди ва у қишлоқ х жалик министрли инструкциясига ки тилди.

Химия институтла билан ҳамкорликда ў мизнинг янги гербиц лар яратилди. У ғў пайкалларида бего ўтга қарши кураш кенг қўлланилади.

Янги пахта ўсимли ги навларини қўлла ва уни парваришла нинг технологияси оид турли проблема лар бўйича амали тавсиялар ўнинчи бе йилликда ва шу бе йилликнинг ўтган ик йили ичида 2 милли ард сўмдан зиёдроқ и тисодий самара бер

Келгусида коллек вимизнинг диққат-эъти бори фундаментал в амалий проблемалар ўрганиш, тола сифати ва салмоғини ошириш пахтани тез етилтириш унинг комплекс чидам лилигини ошириш, чи гит ёғини кўпайтириш унинг шўрга чидамли лиги ва сувсизликка бардош бериши бўйича тадқиқотларни янада чуқурлаштириш ва кен гайтиришга қаратилади

Молекуляр биология генетик-инженерлик шунингдек, деҳқонч ликнинг янги система сини янада такоми лаштиришга алоқа эътибор қаратилади.

ФАН ЁРДАМИДА

ОЛИМЛАР БИЛАН ИШЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ

В. И. ҚНИШОВ,
Қўйлиқ темир-бетон буюмлари заводининг бош инженери.

Қурилиш миқёсининг тобора ошиб бориши қурилиш конструкцияларини кўпроқ ишлаб чиқаришни, унинг сифати ва чидамлилигини оширишни талаб этмоқда.

Илмий-техника ишлари заводимизда хўжалик шартномалари асосида амалга оширилмоқда. Бу ижодий алоқа яхши самара беряпти. Агар 1968 йилда корхона бор-йўғи 5 минг куб метр йиғма темир-бетон ишлаб чиқарган бўлса, 1983 йилда 115 минг куб метр ёки 668 минг сўмлик ўрнига 9,8 миллион сўмлик йиғма темир-бетон ишлаб чиқарди. Зотан, бу маҳсулотларнинг ярмидан кўпроғи Сифат белгиси билан тайёрланмоқда. Унумдорликни оширишда тадқиқот институтларининг ёрдами катта бўляпти. Бизда 1973 йилдан буён ўнлаб илмий муассасалар билан самарали иш олиб боряпти.

Масалан, заводни техникавий ва социал ривожлантириш планига мувофиқ ТошМИ олимлари билан ишлаб чиқаришда шовқинни, чанг ва газни камайтириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди.

Олимлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича доимий иш олиб борилмоқда.

Технологик жараёнларни такомиллаштириш, сифатни назорат қилиш ва бошқалар завод лабораторияси ишининг асосий йўналишини ташкил этмоқда. Бироқ, синашнинг анъанавий методлари етарлича оператив ахборот беролмаяпти. Шунинг учун саноатда фаннинг энг янги ютуқларини жорий этиш лозим эди.

Бу масала ҳал этилди. «ВНИИЖелезобетон» институтининг электроника институти лабораторияси билан ҳамкорликда жуда яхши иқтисодий самара берадиган, бетоннинг мустаҳкамлигини назорат қиладиган ультра товушли приборлар жорий этилди.

ТошПИ олимлари ва завод ходимлари хом ашё, материаллар сарфини камайтириш мақсадида яна бир янгиликни ўзлаштирдилар. Табиий шароитларда тажриба намуналарини синаш цементни 15 — 20 процент тежаб қолиш мумкинлигини кўрсатди.

Тюмень областида йўллар қуриш учун конструкциялар тайёрлашда биз бирмунча қийинчиликка дуч келдик— Шимол учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш тажрибаси бизда ҳали йўқ эди. Бу эса корхонамизда конструкцияларни синаш, маҳсулот сифатини назорат қилиш бўйича қизғин иш олиб боришни талаб этди. ТошПИнинг йўл конструкциялари кафедраси бу борада бизга амалий ёрдам кўрсатди.

Ҳозир заводда 70 процентдан зиёд маҳсулот улар технологияси асосида тайёрланмоқда. Темир-бетон илмий-тадқиқот институти лабораторияларидан бирининг вакиллари металл кучланишини назорат қиладиган прибор ишлаб чиқишди. Уни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича комплекс ишлар олиб борилди. Натижада конструкцияларни синаш сони камайиб, маҳсулот сифати ошди.

Буларнинг ҳаммаси шундан яққол далолат бериб турибдики, илмий муассасалар билан ҳамкорлик завод ишлаб чиқаришининг ажралмас қисмига айланган.

● ТАЖРИБА ОММАЛАШМОҚДА

АКТУАЛ ПРОБЛЕМАЛАР БЎЙИЧА

В. Н. ГАЛКИН,
илмий-тадқиқотларни координация қилиш бўйича республика совети раисининг ўринбосари.

Фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлашда фан ютуқларини пропаганда қилиш муҳим роль ўйнайди. Унинг бош вазифаси бу ютуқларни кенг меҳнаткашлар оммасининг, республика корхона ва ташкилотлари меҳнат коллективларининг мулкига айлантиришдан иборатдир. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг лектор-олимларидан иборат икки минг кишилик коллективи ана шу йўналишда иш олиб бормоқда.

Фақат 1983 йилнинг ўзидагина Фанлар академиясининг олимлари 3 мингга яқин лекция ўқишди.

Шу билан бир қаторда, Фанлар академиясининг «Билим» жамияти бошланғич ташкилоти ўз имкониятларидан унчалик тўла фойдаланмаяпти. Фанлар академиясининг «Билим» жамияти правлениеси пленумида фан ва техника ютуқларини пропаганда қилишда табиий ва техника соҳасидаги олимларнинг иштирокини кескин кенгайтириш вазифаси қўйилди.

Шу муносабат билан тадбирлар системаси ишлаб чиқилди. Ҳар сойда фан кунлари: кибернетика, электроника, химия, биология ва ташкилот ҳамда муассасалардаги тингловчилар қизиқишига қараб бошқа хил фан кунлари ўтказиб б риш белгиланди. Б лимларнинг турли тармоқлари бўйича ту кум лекциялар ўқиш янада кенгайтирилади.

Бу соҳадаги асосий йўналиш —халқ хўжалигининг проблемалари бўйича ихтисослашган тематикани кенгайтиришдан иборат. Бу эса билимларнинг турли соҳаларида фан ва техника ютуқларини пропаганда қилиш имкониятларини янада бойитади, унинг самарадорлигини оширади

• БЎШ ПЛАНДАН БИР ЛАВҲА

БОЛАЛАР ШИФОХОНАСИ

Шаҳримизда соғлиқни сақлаш системасини ривожлантиришга, кишилар саломатлигини мустаҳкамлашга мўлжалланган янги шифо масканларини бунёд этишга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада «ГипроНИИздрав» лойиҳа ва илмий-тадқиқот институтининг Ўрта Осиё филиали меъморлари жонбозлик кўрсатмоқдалар. Улар янгидан янги шифо масканлари лойиҳаларини яратмоқдалар.

Навбатдаги яратилган лойиҳа бир сменада 300 беморни қабул қилишга мўлжалланган поликлиникаси бўлган 520 ўринли болалар шифохонасидир. Лойиҳа бош архитектори А. Ю. Аюбжонов, лойиҳа бош инженери А. И. Жиляев ва меъморлар И. А. Карпушова ва С. Ю. Юнусовалар ҳозирда қурилиш лойиҳаси устида иш олиб боряптилар.

Шифохона еттита блокдан иборат бўлиб, зилзилага бардошли конструкциялардан йиғилиши кўзда тутилган. «А» блоки уч қаватли бўлиб, бош корпус билан боғланади. Тўрт бурчакли бу блок ўз ҳовлисига эга. Бу ерда қабул бўлими, реанимация бўлими, рентген бўлими ва дорихона жойлашади.

Комплекснинг қолган блоклари ҳам ўзига хос кўринишга эга бўлиб, бу жойлардан жуда кўплаб бўлимлар ўрин олади. Уларда беморларни даволаш учун ҳамма қулайликлар мавжуд бўлади. Жами блоклар бош корпусга туташади.

Шифохона атрофи ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилади. Бу жойларга кичик архитектура формалари, безаклари ўрнатилади. Комплекснинг пардозида энг замонавий қурилиш материалларини қўллаш кўзда тутилган.

Бир андазали бундай лойиҳага эга бўлган шифохоналарни кўпгина шаҳарларда қуриш мумкин.

С. ҲАСАНОВА.



СУРАТДА: болалар шифохонасининг бир андазали макети.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

ТОШКЕНТ— ОЛМАОТА ШАХМАТ МАТЧИ

11 апрелда газетамизда сиртқи «Дўстлик матчи»нинг ҳар икки тахтасида олмаоталик шахмат мухлисларининг юришлари эълон қилинган эди. Бугун биз уларни такрорлаймиз.

Олмаоталиклар газетхонларимизнинг e2—e3 юришига Cc8—g4 билан жавоб беришди. Ўзлари оқ доналар билан ўйнаётган биринчи тахтада эса f4 катагида турган пиёда билан e5 катагида турган пиёдани олишди.

Ҳурматли газетхонлар! Ҳар икки тахтадаги вазиятни баҳолаб кўринг. Олмаоталикларнинг f4:e5 юришига қандай жавоб беришни таклиф қиласиз. Ўзингиз оқ доналар билан ўйнаётган иккинчи тахтада навбатдаги — бешинчи юриш қандай бўлиши керак! Бу ҳақдаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз. Биринчи бўлиб энг мақбул юришларни таклиф этганларнинг исми ва фамилиялари газетамизда эълон қилинади.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳри, ГСП, Ленин кўчаси, 41, «Тошкент оқшоми» («Дўстлик матчи»)га. Таклифларингизни 330874, 325680, 325681, 325885, 332895 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.

Олмаота—Тошкент,



Тошкент—Олмаота



ШАНБА ОҚШОМИ

ОТА-ОНА ҲАҚИДА

- **Дуру гавҳарнинг баҳоси бўлади, ота-онанинг эса ҳеч баҳоси йўқ. Улар икки жаҳон хазинасидан ҳам қиммат турадилар.**
- **Ота-она дилини оғритган фарзанд ҳаётда ўнгмайди, рўшнолик кўрмайди.**
- **Она алласи дунёдаги энг ёқимли қўшиқ.**
- **Отанинг фарзандга айтган аччиқ панднасиҳати болдан ширин.**
- **Ҳеч бир ота-она фарзандим ёмон бўлсин демайди, шунинг учун улар кўрсатган йўлдан борилса, бахт эшиги очилади.**
- **Бир фарзандга етти қўшни ота-она бўлади.**
- **Кексайган ота-онасини гўдакдек авайлаган фарзанд, ўзи ҳам қариганда иззат топади.**
- **Она — боғбон, ота — чароғбон.**
- **Одобсиз фарзанд ота-она уйини хароб қилади.**
- **Бола — ота-онага болдан ширин.**
- **Ота-онангга салом беришни ҳеч канда қилма!**
- **Оталар заҳмати билан яратилган боғдан фарзандлар мева еб камолга етади.**
- **Фарзанд қувонса ота-она яйрайди.**
- **Яхши ўғил отани бошига кўтаради.**
- **Мавлоно Алишер Навоий ота-онани улуғлаб шундай назм қилибдилар: «Бирисин ой англа, бирисин қуёш!»**

ҲИКОЯТ: Саратоннинг узун кунлари дала ҳовлимизда ишлардик. Ўша йили очарчилик бўлганди. Отамнинг топган-тутганлари катта оиламизга етмасди. Аям болаларининг оч-наҳор юрганига ачиниб, бир куни туш пайтида қатлама пиширдилар. Биз ўғил-қизлар уни маза қилиб едик. Бечора ойим ҳаммамизга ўзларича тайинладилар:

— Болажонларим, қатлама қилиб берганимни адангларга айтманглар, рўзғорни тежамаяпсан деб мени уришадилар.

«Хўп-хўп» дедик. Шу пайт боғ этагида дадам кўриниб қолдилар.

— Оғзингларни артинглар, ёғи адангларга билиниб қолмасин, — дедилар ойим, кейин супа тупроғидан озгина лабларига суртдилар. Буни кўриб кичкинтой синглим ҳам лабига тупроқ суртди-да, тепамизга келган дадамларга қараб жилмайди:

— Дада, дадажон, — деди бидирлаб, — қаранг, биза-чи, ёғлиқ қатлама емадик, лабим ёғ ҳам эмас...

Ойижоним «сир очилганидан» кўзлари мўлтираб, қизариб-бўзариб кетдилар. Дадам эса мўйловларини бураб кулиб юбордилар:

— Яхши бўпти-да асал қизим, ёғлиқ қатлама еган бўлсанг, ош бўлсин, қувват бўлсин.

Ўшанда ойижонимнинг ҳуркак кўзлари бирдан чақнаб, юзларига нур йўғрилиб кетди.

Шу воқеани қачон эсласам оналарнинг мунис-меҳрибонлигини, оталарнинг ғамхўрлигини кўз ўнгимга келтираман-да, кўнглим мунаввар тортиб кетади.

Момонинг котиби
Тўлқин РАСУЛЕВ.

• СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

• Тошкент келажакка одимламоқда

Маннон Уйғур кўчасининг истиқболи қандай?

Ҳурматли редакция! Биз кўп йиллардан буён шаҳарнинг энг қадимий кўчаларидан бири Уйғур кўчасида истиқомат қиламиз. Эшитишимизча, кўчамиз атрофларида янги кварталлар, маданий-маиший объектлар қурилар эмиш. Шу боисдан, кўчамизнинг келажаги бизни жуда қизиқтириб қолди. Шу ҳақда мутахассис шарҳини берсангиз.

НИШОНБОЕВлар оиласи.

Октябрь райони шаҳарнинг энг кўҳна ва шу билан бирга энг навқирон районларидан биридир. Кўҳналиги шундаки, у пойтахтнинг қалдирғоч райони. Навқиронлиги эса унинг бугунги жамолидир. Агар у кундан-кунга чирой очяпти десак, муболаға бўлмайди. Ҳозир район территориясида кенг кўламда қурилиш ва қайта тиклаш ишлари амалга оширилмоқда. Янги кварталлар, янги кўча ва проспектлар вужудга келяпти.

Чунончи, ўзбек совет театри арбобларидан бири, машҳур режиссёр ва актёр, таржимон ва драматург ҳамда педагог, республикамизда театр асосчиларидан бири, Ҳамза номли ўзбек Давлат академик драма театрининг ташкилотчиси Маннон Уйғур номи билан аталувчи кўча ҳам районнинг энг катта, сергавжум, серқатнов, кўчаларидан биридир.

Мазкур кўчанинг катта бир қисми келгусида реконструкция қилинади. Кўчанинг кенглиги 60 метрга етади, қайта асфальтланиб, атрофлари ободонлаштирилади. Айниқса, кўчанинг «Ёш гвардия» театридан Беруний проспектигача, Беруний проспектидан Назарбеккача бўлган қисми янада чирой очади. Уйғур кўчасининг Беруний проспектидан бошланувчи қисмида, яъни 1-шаҳар клиник шифохонаси томонида соғломлаштириш шаҳарчаси барпо этилади. Бу ердан янги поликлиника, туғруқхона ва дорихона ҳамда бошқа соғломлаштириш объектлари жой олади. Уларнинг атрофи эса кўм-кўк яшил зонага айлантирилади. Ёзнинг иссиқ кунлари фавворалардан зилол сувлар отилиб туради.

Кўчанинг ўнг томонидан эса «Марказ-28» янги кварталининг тўққиз ва ўн олти қаватли уйлари жой олади. Кўчанинг қолган қисми, яъни шахсий участкалар жойлашган қисми, ўзича қолиб, у жойларда катта ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.

Т. СОДИҚОВ,
Октябрь райони архитектори.

УЙ БЕКАЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН

•

Шингил маслаҳатлар

- **Хамир ошиб, ёпишга етилиб турган бўлса-ю, тандир ёки духовка етарлича қизиб улгурмаган бўлса, ошган хамир юзига сувга ботирилган тоза қоғоз ёпиб қўйинг.**
- **Агар қуюқ овқатлар (палов, шовла, қовурма) жуда шўр бўлиб кетса, бу таомларга пишиши олдидан доғланган ёғ қўшиб, тузини ростлаш мумкин.**
- **Арчилган картошка қайнатилаётган сувга 3—4 паллача саримсоқ ёки бир оз укроп ташланса картошка мазали бўлиб пишади.**
- **Духовкада арчилмасдан пиширилаётган картошканинг бир-икки жойига вилка урилса, пишганда пўсти ёрилмайди.**
- **Қайнаётган кофе сувига озгина туз ташлаб, иссиқ пиёлаларга қуйсангиз, таъми яна ҳам хушбўй бўлади.**

М. СУЛАЙМОНОВ
тайёрлаган.

• Ҳузурбахш ичимликлар

ОҚ ҚИМИЗ, ДАВО ҚИМИЗ

Она табиат инсон сиҳат-саломатлиги учун кўпдан-кўп ҳузурбахш, шифобахш ичимликни инъом этган. Шулардан бири отнинг сути — қимиздир. Бу ажойиб неъматни ичганда тан яйрайди ва қувват олади.

Қимизни кўпайтириш учун ўлкамизда биялар боқиладиган бир қанча фермалар ташкил этилган. Уларда кўплаб қимиз етиштиришга аҳамият берилмоқда. Лекин бу ҳали талабга тўлиқ жавоб бермайди. Бебаҳо даволаш хусусиятига эга бўлган қимизни саноат миқёсида ишлаб чиқаришни кундалик турмуш талаби тақозо қилади. Чунки бир литр қимизда 340 калория энергия бор. Унда инсон саломатлигини мустаҳкамлайдиган зарур моддалардан оқсил, ферментлар, витаминлар, минерал тузлар, спирт ва эфирсимон хушбўй таъм берувчи бирикмалар мавжуд. Бу келтирилган моддалар қимиз таркибида йил мавсумларига қараб ўзгариб туради.

Қимизда С витамини ва В группасидаги бир қанча витаминларнинг борлиги унинг шифобахшлигини оширади. Одатда сил касалини узоқ муддат даволаш натижасида бемор организмида В, С витаминлари ва пантотенат кислотаси каби витаминлар камайиб кетади. Шунинг учун сил касаллигини даволашда қимиз жуда қўл келади. Зеро, одам организми С витаминини ўзида синтез, яъни пайдо қилолмайди. Организм бу витаминни ташқаридан қабул қилишга муҳтожлик сезади.

Қимизда маълум миқдорда бўладиган спирт ва сут кислотаси ошқозон ширасини кўпайтириш хусусиятига эга. Шунга кўра қимиз истеъмол қилиб туриш овқат ҳазм қилиш фаолиятини яхшилайди. Бундан ташқари, қимиз ошқозон ости бези ширасини ва жигарда ўт ишлаб чиқарилишини ҳам кучайтиради.

Олимларнинг аниқлашларича, қимиз ҳар бир кишида ошқозон ва ичаклар ҳаракатига турлича таъсир қилар экан. Унда кўп миқдорда махсус микроблар бўлади, булар йўғон ичакдаги чириш процессини камайтиради. Натижада организмга зарарли таъсир этадиган моддаларнинг ҳосил бўлишини кескин камайтиради. Қимиз овқат ҳазм бўлиши ва сўрилиши жараёнига ҳам фойдали таъсир қилади.

Олим Моделнинг берган маълумотига қараганда, гўштлик таомлар истеъмол қилган кишиларда азотли бирикмаларнинг 19—21 процентчаси ҳазм бўлмас экан. Худди шу таомлар қимиз билан бирга истеъмол қилинганда эса, ҳазм бўлмай қолган азотнинг миқдори бир процентга тушади.

Овқат ҳазм қилиш жараёнининг яхшиланиши ва йўғон ичакдаги зарарли микробларнинг камайиши туфайли жигарнинг ишлаш фаолиятида қулай шароит туғилади. Бу эса ўз навбатида унда гликоген моддасининг кўпайишига олиб келади.

Қимиз қон таркибининг яхшиланишида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг таъсирида асаб системаси аввал бир оз қўзғалади, кейин одамни мудроқ бостиради ва уйқуни яхшилайди.

Қимиз организмда кислота-ишқор мувозанатига фойдали таъсир қилиб, қон томирлар фаолияти билан бирга, нафас аъзолари ишини яхшилайди ва юрак мушакларини чиниқтиради.

Организмдаги сув алмашувида ҳам қимизнинг аҳамияти катта: иссиқ пайтида терлашни кучайтиради. Бунда киши ҳолсизланмайди, тунда эса пешоб ишлаб чиқарилишини кўпайтиради.

Шундай қилиб, қимиз оқсил ва витаминларга бой бўлган шифобахш неъмат эканини чуқур ҳис этдик. У инсон организмига ҳар томонлама таъсир қилиб, кислота-ишқор мувозанатини ва сув алмашувини яхшилайди. Шунингдек, қон ишлаб чиқарилишини, ички секреция безларининг фаолиятини ва ошқозон-ичак ҳаракатини кучайтиради. Булар билан қимиз биологик жиҳатдан фаол моддалар қаторига киради.

Тажрибаларга қараганда, сил хасталигига қарши ишлатиладиган замонавий дориларга қимиз қўшиб даволанилса, силдан батамом шифо топиши бир қадар ортади. Шунинг учун ҳам саноат миқёсида қимиз ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўйиш республикамиз халқ хўжалигида катта аҳамиятга эгадир.

Р. АЪЗАМОВ,
Ўзбекистон сил касалликлари илмий-текшириш институти директорининг ўринбосари, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач.

БИР ШИНГИЛ ТАБАССУМ

•

ЧЕТ ЭЛ ЮМОРИ

Анчадан бери кўришмаган икки дугона учрашиб қолишди. Улардан бири сўради:

— Айтгандек, Фердинанд билан ўрталарингдаги эҳтиросли муҳаббат нима бўлди!

— Ҳаммаси тамом бўлди.

— Нега, энди учрашмаяпсизларми!

— Учрашамиз. Фақат мана бир ярим йилдирки, биз турмуш қурганмиз.

* * *

Қўшни синфдан келаётган шовқин ўқитувчининг дарс олиб боришига халақит берди. У ўша синфга кириб, ҳаммадан қаттиқ бақираётган тўполончининг қулоғидан ушлаб синфига олиб кириб ўтказди. Бир оз вақт ўтгач эшик тақиллади. Қўшни синф ўқувчиси кириб деди:

— Жаноб ўқитувчи, сиз марҳамат қилиб, бизнинг ўқитувчимизни қайтариб беролмайсизми!

* * *

— Сен энди мени севмас экансан, Фердинанд.

— Бу гапни қаердан олдинг!

— Илгари командировкадан қайтганингда аввал ҳамма шкафларни текшириб чиқардинг. Энди пиво бормикан деб фақат холодильникни очиб кўрасан.

М. МИРСАИДОВА
таржимаси.

ЭПЧИЛЛИК ВА САЛОМАТЛИК БАЙРАМИ

ЭРТАГА

саноат корхоналари ва муассасалар, шаҳардаги барча олий ўқув юртларида ёзги спорт мавсумининг очилишига бағишланган мусобақалар ташкил этилади. Эпчиллик ва саломатлик байрами баҳсларида юз мингдан зиёд киши иштирок этади. Барча спорт майдонлари, боғ ва хиёбонларда турнирлар, оммавий соғломлаштириш тадбирлари ўтказилади.

Трактор заводи, тўқимачилик комбинати, авиасозлар, метросозлар, темирйўлчилар стадионларида ишчи ва хизматчилар ГТО комплекси нормативини бажаришади. «Пахтакор», «Меҳнат резервлари», «Спартак» стадионларида волейбол, футбол, баскетбол мусобақалари ташкил этилди. Ленин комсомоли номидаги маданият ва истироҳат боғида югуриш баҳслари бўлади.

Бошқа спорт майдонларида очиқ ринг, очиқ майдон, очиқ гилам сингари тадбирлар ўтказилади. Боксчилар, гимнастикачилар, курашчилар ёзги спорт мавсуми совринлари учун беллашадилар. Футбол бўйича шаҳар биринчилигининг навбатдаги тур учрашувлари ўтказилади.

Спорт КУНДАЛИГИ

- Олмаотада мерганлик бўйича ўтказилган СССР Кубоги мусобақаларида барча иттифоқдош республикалар, Москва ва Ленинград шаҳарларидан келган юздан зиёд спортчи иштирок этди.

Республикамиз вакиллари траншея стендини мўлжалга олишда муваффақиятли қатнашишиб, олтинчи ўринни эгалладилар. Доира стендини нишонга олишда эса тошкентлик армиячилар биринчи бўлишди. Владимир Гапоненко, Юрий Попов, Игорь Коптериндан иборат бу команда келгуси йили энг кучлилар даврасида баҳс юритади.

- Фрунзе шаҳрида классик кураш бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчилигида республикамизнинг икки вакили медаль билан тақдирланди. Бахтиёр Жўраев олтин медални қўлга киритди. Ҳамшаҳримиз Павел Нилов эса фахрий шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилди.
- Фарғонада эркин кураш бўйича ўтказилган республика чемпионатида ҳамшаҳарларимиздан Баҳодир Ғуломов, Шариф Иброҳимов, Виктор Бабочиев, Сергей Баутин, Александр ва Асхар Хадарцев, Александр Хаймович ўз вазн-тоифаларида чемпион унвонини қўлга киритдилар.
- Тошкентда мерганлик бўйича шаҳар шахсий-команда биринчилиги ўтказилди. 200 имкониятдан 190 очко тўплаган халқаро классли СССР спорт мастери Рустам Ямбулатов биринчи ўринни эгаллади.

• ДАМ ОЛИШ СОАТИДА

КРИПТОГРАММА

Азиз оқшомхон! Мазкур криптограмманинг таърифи қуйида баён этилган «очиқ» сўзлар ёрдамида ҳал этсангиз буюк ўзбек мутафаккир шоири Алишер Навоийнинг бир байт ҳикматли сўзини ўқийсиз.

1. Ёруғлик ва иссиқлик манбаи бўлган коинот жисми — 16, 3, 18, 5.
2. Ўсимликнинг яшил органи — 7, 4, 2, 11.
3. Аёллар қўлларини бўяшда ишлатадиган зийнатли ўсимлик — 12, 1, 8, 4.
4. Ҳали очилмаган гул — 17, 3, 8, 10, 4.
5. Эртапишар хушбўй полиз экини — 19, 4, 8, 14, 4, 20, 4, 13.
6. Чўлда ўсадиган тиканли ўт — 15, 8, 9, 6, 16.

Тузувчи: **Ф. ОРИПОВ.**



БИЛАСИЗМИ?

- **Кроссворд ўйин-топишмоқ — автомобиль ҳайдовчиси инглиз Виктор Орвилл томонидан «кашф» этилган бўлиб, 1913 йилда Жанубий Американинг Кейптаун шаҳар газетасида босилиб чиққан.**
- **Ватанимизда биринчи кроссворд 1929 йил «Огонёк» журналининг 12 май сонида чоп этилган.**
- **Французлар Т. Брутл ва Ж. Луизлар дунёда энг катта кроссворд туздилар. Бу бошқотирманинг узунлиги беш метр, эни уч метрни ташкил этади. Уни ечиш учун 50 минг катак ичига 18 мингта сўз топиб ёзиб чиқиш лозим.**

БИЛДИРИШ

Халқаро мавзуларда лекция ўқувчи лекторлар доимий ишловчи семинарининг тингловчилари диққатига.

16 апрель соат 18.30 да «Билимлар уйи»да «КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми ёшлар ўртасида сиёсий-тарбиявий иш тўғрисида» мавзуида лекция ўқилади. Лектор — «Билим» жамиятининг лектори И. М. Иванников.

ШАНБА ФЕЛЬЕТОНИ

ВАЪДАБОЗЛАР СОВРИНИ КИМГА ТЕГАРКИН?

ЁКИ АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ БЎЛИМИНИНГ ЛОҚАЙД ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН РЕПОРТАЖ

Ҳурматли оқшомхонларнинг ёдида бўлса, бундан роппа-роса беш ой илгари босилган «Беш ойлик марафон» сарлавҳали шанба фельетонида шаҳар районлари социал таъминот бўлимлари «марафонча югуриш мусобақаси» ўтказаётгани ҳақида хабар берган эдик. Бу норасмий мусобақа давом этяпти ва қачон тугаши номаълум. Бугун узоқ масофага ва узоқ муддатга югурувчиларнинг олдинги сафида бораётган рекордчи отахоннинг оралиқ масофада кўрган-кечирганларининг гувоҳи бўламиз.

Шундай қилиб, Ёрмуҳамедов кўчасида яшовчи Улуғ Ватан уруши ветерани, III группа инвалиди Хайриддин Эшонхонов узлуксиз иш стажи учун 20 процентли қўшимча олиши мумкинлигини билиб олди. Давлатимизнинг пенсионерларга янги имтиёз жорий этганидан боши осмонга етди. Елиб-югуриб керакли справкаларни жамлади. Ҳужжатларни тўплаш жараёнида оёғининг чигили бир оз ёзилди. Ўтган йилнинг апрель ойида «марафончи» чол-кампирлар сафига қўшилди. Яъни, ўз уйида старт олиб, Акмал Икромов райони социал таъминот бўлимига биринчи учрашувга ошиққан йигитдек югуриб борди.

— Бунча ҳаллослайсиз. Пенсияга қўшимча олишга даъвогар бўлсангиз югуришни аста-секин машқ қилинг,— деди инспектор Ш. Ирсалиева терга ботган отахонга қараб.

— Ҳужжатларингизни менга қолдиринг-да, икки ойдан кейин келинг.

Хайриддин ака икки ойни уйда ҳар куни бадантарбия қилиш билан ўтказди. Иккинчи учрашувга югуриб борганида уйдаги машқлар самараси ўлароқ анча дадил эди.

— Бу бошқа гап,— табассум ила кутиб олди Ш. Ирсалиева, — анча бардамлашибсиз, отахон. Энди ҳар ойда, ҳар ўн беш кунда, ҳар ҳафтада марафончасига югуриб келсангиз ҳам бўлаверади.

Отахон жавоб қилди:

— Кел десанг, чопиб келиб, чопиб кетавераман қизим. Пенсиямга 20 процент қўшимча белгиласанг бўлгани.

— Қўшимча ҳам оласиз, чемпион ҳам бўласиз!

Инспектор айтганидек, отахон чемпионликка чиндан ҳам даъвогар чиқиб қолди. Учинчи учрашувга бир ойдан кейин, тўртинчисига ўн беш кундан кейин, бешинчисига бир ҳафтадан кейин чопиб келди. Пировард натижа шу бўлдики, «марафончи» пенсионер бу ерга ҳар куни югуриб келаверди, инспектор ҳужжатларни кўриб чиқишни галга солаверди. Кейин пенсионер кундашундага, инспектор эса кундауйдага айланди. Аниқроғи Хайриддин Эшонхонов ва бошқа пенсионерларнинг ҳужжатларини аросатда қолдириб ишга келмай қўйди.

«Марафончи» пенсионер нима қилди дерсиз! У «спорт»ни тарк этгиси келмади. Мана, унинг редакцияга ҳам югуриб келиб ташлаб кетган хатидан тўрт сатр: «Шунақа галга солавериб қарабсизки ўн бир ой ўтиб кетди. Охири бошқа инспектор билан бўлим мудири Қ. Ашуров «справкаларингиз йўқолган, бошқатдан йиғиб келинг», дейишди. Ахир 30—40 йил олдин меҳнат дафтарчаси ўрнига берилган справкани қаердан оламан!».

Ҳаққоний савол. «Марафончи» Хайриддин ака 1983 йилдан 1984 йилга югуриб ўтди. Лекин энди «спринтчи»ликни машқ қилган тақдирда ҳам 34 йил олдин ўтиб кетган 1950 йилни қувиб етолмайди, «справкани янгилаб бер» дея олмайди. Шуни назарда тутиб, биз район социал таъминот бўлими мудири Қ. Ашуровга 27 февралда мурожаат этдик. Пенсионер Х. Эшонхоновнинг ҳужжатларини яна бир қидириб кўришни сўрадик. 28 февралда, яъни бор-йўғи бир кун ўтгач, райсобесдан юзаки жавоб олинди. Бу шошма-шошарлик билан ёзилган жавобга кўра эмишки, Х. Эшонхоновда инспектор Ш. Ирсалиева ҳужжатларни олгани ҳақида тилхат йўқмиш, унинг аризаси рўйхат дафтарида қайд этилмаганмиш, меҳнат стажи атиги 26 йилмиш. Ш. Ирсалиева бетобмиш, чақирса ҳам ишхонага келмасмиш, шу сабабли ҳужжатларни олганини аниқлаб бўлмасмиш. Шу миш-мишлар боис Х. Эшонхоновга қўшимча белгилаш имконияти йўқмиш.

Юқоридаги миш-мишга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай турган эдик Х. Эшонхоновдан редакцияга қуйидаги хат келиб қолди: «Бўлим мудири Қ. Ашуров сизга юборган жавобнинг иккинчи нусхасини менга юборди. Ҳамма гапи ёлғон. У сизни алдамоқчи бўлган, ўзини оппоқ, мени қора қилиб кўрсатган. Унинг ёлғонига чидай олмасдан касаллик варақаси орқасида яшириниб юрган инспекторнинг уйига ўзим бордим. Ҳужжатлардан бирини топтирдим. Кейин мудирнинг олдига ғазаб билан бордим. У уялмасдан «Ҳужжатларингиз топилди, энди расмийлаштираман», деди. Ваъдабозларга жазо борми!».

Ваъдабоз ўз тилидан илинади, деганлари бежиз эмас экан. Бир идоранинг туппа-тузук бошлиғи ёлғон жавоб ёзаётганида пенсионер отахоннинг чопиб келиб, шу ёлғонни бир зумда ошкор қилиб қўйишини ҳисобга олмаган кўринади.

Юқорида айтилганидек, ўтган йили босилган «Беш ойлик марафон» фельетонида ҳам пенсионерларни арзимас баҳоналар, ёлғон ваъдалар билан сарсон қилишаётгани баён этилган эди. Фельетон юзасидан шаҳар социал таъминот бошқармаси ва бошқа мутасадди ташкилотлардан олинган жавобларда камчиликлар йўқотилажаги, пенсияни расмийлаштириш ишида тартиб ўрнатилажаги ҳақида катта ваъдалар берилган эди. Кўриниб турибдики, ваъдалар бажарилмади. 30—40 йил ҳалол меҳнат қилган, энди унинг гаштини суриши лозим бўлган кишиларга муносабатда ўзгариш сезилмаяпти. Сансалорлик оқибатида ветеранларнинг у идорадан бу идорага чопиб юриши давом этяпти. Аслида елиб-югуриб уларнинг хизматида бўлиш керак бўлган кишилар эса лоқайдлик уйқусида!

...Шаҳар районларидаги социал таъминот бўлимлари «ташаббуси» билан уюштирилаётган марафонинома мусобақа давом этяпти. Ҳозирча Улуғ Ватан уруши ветерани Хайриддин Эшонхонов бир йил югуриб рекорд натижага эришди, чемпионлик унвонига сазовор бўлай деб турибди. Шаҳар социал таъминот бошқармаси томонидан эшитилаётган жаранг-журунг садосига кўра, чемпионга «соврин»ни, жуда бўлмаганида 20 процентли қўшимчани тантана билан топшириш чораси кўрилаётганга ўхшайди. Баъарти, шаҳар социал таъминот бошқармаси ва Акмал Икромов район Совети ижроия комитети ёлғончи ваъдабозларга ҳам соврин таъсис этган бўлишса, бу соврин райсобес мудири Қ. Ашуровга берилса қарши эмасмиз. Чунки бу киши ваъдабозлар баҳсида ютиб чиқсалар ажаб эмас.

М. МУРОДОВ.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

ДУШАНБА, 16. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Болалар учун фильм. «Медеодаги учрашувлар».
10.50 «Ҳайвонот оламида».
11.50 «Хорошки» фольклор-хореографик ансамблининг концерти.
12.40 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Ҳужжатли фильмлар.
16.00 Совет қўшиқларидан концерт.
16.40 «Ерда, самода ва денгизда».
17.10 Телевизион кўрик-конкурс. Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари зенит-ракета командирлари тайёрлаш Горький олий билим юртининг духовой оркестри чалади.
17.40 «Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони таъсис этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган ҳужжатли фильмлар: «Ватанга хизмат қиламан», «Солдат», «Деҳқон фарзанди».
18.50 «Биргаликда аҳил оиламиз».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Икки океан орасида». Телеочерк.
20.00 А. М. Горький. «Қуёш фарзандлари». Фильм-спектакль.
21.30 «Время».
22.05 «Қуёш фарзандлари». Фильм-спектаклнинг давоми.
23.10 «Дунё воқеалари».
23.25 «Советская женщина» журналининг соврини учун бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақалар.

● МТ II

Профилактика муносабати билан душанба, 16 апрель куни Марказий телевидениенинг II Умумиттифоқ программасида кўрсатувлар намойиш этилмайди.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Ўқув программаси.
10.40 «БАМ ўтадиган жойда», «Ҳамкорлик». Телефильмлар.
11.30 Ўқув программаси (рус.).
11.50 «Кубачинлар тўйи». Телефильм.
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Қўғирчоқ фильм.
18.30 «Халқ истеъмоли молларига —юқори сифат». «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасидан репортаж.
19.00 Совет Армияси жангчилари учун. «Бурчга садоқат...»
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Ҳ. Олимжон. «Зайнаб ва Омон».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Созандалар ҳақида ҳикоялар». Ф. Шукурова, Р. Неъматов,
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 Н. Думбадзе. «Абадият қонуни». Видеофильм. 1-қисм.
24.00 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ишчи—юксак ном».
18.40 «Чинор». Илмий-оммабоп программа (рус.).
19.10 «Дворжак оҳанглари». Телефильм.
19.45 Врач маслаҳати.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «В. Ульянов Самарада», «Сибирдаги Ленин кўчаси», «Ленино-Кокушкино». Ҳужжатли фильмлар.

СЕШАНБА, 17. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мультфильм.
10.35 А. М. Горький. «Қуёш фарзандлари». Фильм-спектакль.
13.05 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Саксонинчи йиллар коммунистлари». Ҳужжатли фильмлар: «Унинг истиқболи», «Ақл ва довюраклик».
15.50 «Билимимиз — қудратимиз». Илмий-оммабоп журнал.
16.35 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
17.05 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
17.40 «Сибирь бўйлаб саёҳат». Кинопрограмма.
18.15 «Ўғлим — курсант». «Оила ва мактаб» туркумидан.
18.45 «Футбол шарҳи».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар».
20.00 «Хатларни кутинг». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Спартак».
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Командор ороллари. Медний ороли». Илмий-оммабоп фильм.
9.55—10.15 «Фидойилик». Илмий-оммабоп фильм.
12.05—12.40 «Шахмат мактаби».
14.05 Н. С. Лесков. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.
15.00 «Тарих саҳифалари». «Ватан қаҳрамонлари» («Совет Иттифоқи Қаҳрамони» унвони таъсис этилганлигининг 50 йиллигига).
15.45 «Драматургия ва театр». К. Симонов. «Рус кишилари».
16.30 СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинлар намунали-кўргазмали оркестри чалади.
17.05 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
19.50—20.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.00 «Кеча келибоқ...» Телевизион бадиий фильм.
23.10 «Хатларингиз асосида». Музикали кўрсатув.
24.00 Стол тенниси бўйича Европа чемпионати.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Қизил велосипед». Телевизион бадиий фильм (рус.).
11.30 Ўқув программаси.
12.00 «Мен севган шаҳар». Телефильм.
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.20 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус.).
19.00 «Куйловчи Чимён». Эстрада программаси (такрорий).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Рассом Рўзи Чориев». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»).
20.00 ЎзССР Министрлар Совети соврини учун теннис бўйича IV Халқаро турнирнинг очилиши. «Динамо» теннис стадионидан репортаж (ёзиб олинган).
20.30 «Ахборот».
20.50 Санъат усталари ижросида классик халқ қўшиқлари.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Экиш мавсуми кундалиги».
22.20 Н. Думбадзе. «Абадият қонуни». Видеофильм. 2-қисм.
23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—17.05 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Ўқитувчи экрани.
18.40 Телефильм.
18.50 «Баҳор нашидаси». Адабий кўрсатув.
19.20 «Ҳар бир корхонага—ёрдамчи хўжалик».
19.50 Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқув программаси.
20.50 «Сенинг кунинг жилоси», «Бир қарич ер». Телефильмлар.
21.30 МТ II

ЧОРШАНБА, 18. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Лениндан ўрганамиз». 1-кўрсатув.
10.10 «Концертино» қадимий куйлар ансамбли чалади.
10.45 «Хатларни кутинг». Бадиий фильм.
12.15 «Саёҳатчилар клуби».
13.15 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Сенинг тупроғинг». Телефильм премьераси.
16.10 Бутунроссия ва Бутуниттифоқ конкурсларининг лауреати Ш. Амиров чалади (балалайка).
16.35 «Экологик кундалик».
16.55 Д. Кабалевский. Виолончель ва фортепьяно ижроси учун соната.
17.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.05 «Қадимий Кампучиянинг қайта туғилиши». Киноочерк.
18.35 «Фан ва турмуш».
19.05 Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Спорт ҳафталиги».
20.00 Халқ хорларининг II Бутунроссия кўриги. Сибирь Давлат рус халқ хорининг чиқиши.
20.40 «Ҳужжатли экран».
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича халқаро учрашув. СССР—ЧССР терма командалари. Танаффус пайтида — «Агар соғлом бўлай десанг».
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Боғ ярат». Телефильм.
12.05—12.40 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.05 «Совет монументал ва портрет ҳайкалтарошлиги».
15.35 «Драматургия ва театр». А. П. Чехов. «Ваня тоға».
16.20 «Москва бўйлаб саёҳат» туркумидан телевизион ҳужжатли фильмлар: «Ленин проспекти», «Яузу ортидаги йўл».
17.00 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 Халқ куйлари.
19.05 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
19.35—20.30 «XX аср салб юриши қатнашчилари». Телефильм.
20.45 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Киноконцерт.
21.30 «Время».
22.00 «Овулим кишилари». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. Я. Мамедиевнинг «Қадрдон ер» романи асосида. 1-серия.
23.10 «Поэзия». А. Жаров.
23.45 Стол тенниси бўйича Европа чемпионати.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Оқ ёл ҳақида қисса». Телевизион бадиий фильм (рус.).
11.30 Ўқув программаси.
12.00 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш.
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Қўғирчоқ фильм.
18.30 «Тенгдошларинг ижодидан».
19.00 «Ишга тушириладиган объектлар—сафга!» Бекобод металлургия заводида «300» прокат стани (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Халқ оғзаки ижоди». Чори бахши.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Бу гулшан соз экан». И. Исҳоқов, М. Орипов, Қ. Юсупов.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.15 Н. Думбадзе. «Абадият қонуни». Видеофильм. 3-қисм.
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—17.05 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Ўқитувчи экрани.
18.40 «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма.
19.30 «Биз хизмат қилаётган иш» (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Болалигимиз осмони». Телевизион бадиий фильм (рус.).
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА, 19. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Лениндан ўрганамиз». 2-кўрсатув.
10.10 «Аюшка» рус халқ чолғу ансамблининг чиқиши.
10.30 «Душанбагача бир гап бўлар». Бадиий фильм.
12.10 Совет ёнғиндан сақлаш хизмати ташкил топганлигининг йиллигига бағишланган ҳужжатли фильмлар: «Ўт билан олишувчилар», «Ўт ўчириш воситасидан фойдалана билинг».
12.45 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Инсон ва табиат». Телефильмлар: «Бешинчи бор тақсимлаш», «...Оппоқ оққуш сузиб борарди».
16.00 Арманистон ССР халқ артисти Э. Узунян куйлайди.
16.40 «Асли болаликдан». И. Зиедонис.
17.25 «Дўстлик йўллари». СССР—ПХР. Киноочерк.
17.50 «Шахмат мактаби».
18.20 «Қувноқ нотачалар».
18.30 «Биз БАМни қуряпмиз».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Миллионлар ленинча университети». «Оқилона истеъмол маданияти ва инсоннинг маънавий қиёфаси».
20.00 «Кутилмаган севги». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 Спорт гимнастикаси бўйича СССР чемпионати. Донецкдан олиб кўрсатилади.
22.50 «Дунё воқеалари».
23.05 «Адажио ва вариациялар». Одессадан олиб кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Унинг бутун умри». Телефильм.
9.55—10.15 «Объективда жониворлар. Сайгаклар». Илмий-оммабоп фильм.
12.00 «Сиз яратган боғ».
12.30—12.40 «Черемош бўйлаб пастга». Илмий-оммабоп фильм.
14.05 И. В. Гёте. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.
15.00 «Такрорий тўй». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.25 П. Богданов шеърлари. Автор ўқийди.
16.40 Илмий-оммабоп фильмлар: «Йигирма микрон бўшлиқ», «Фан ва техника».
17.05 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Бригадир Татаринович мактаби». Ҳужжатли фильм.
19.00 «Ўсмирлар ижоди».
19.25 «Қишлоқ янгиликлари».
20.25—20.30 «Кўклам». Телефильм.
20.45 «Дунё ва ёшлар».
21.20 «Окадаги Пушчино». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 «Овулим кишилари». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
23.15 В. Маяковский шеърларини РСФСРда хизмат кўрсатган артист Е. Киндинов ўқийди.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Ўқув программаси.
10.45 «Пирогов ҳақида ҳикоялар». Телефильм (рус.).
11.30 Ўқув программаси (рус.).
12.00 «Доғистон баҳори». Телефильм.
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.25 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий).
18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз—80-йиллар комсомоллари».
19.20 «СССР Олий суди — 60 ёшда». Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси Б. А. Наврўзов сўзи.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ғаллакорларнинг шу кунги муҳим вазифалари».
20.10 «Коммунистлар ҳақида ҳикоялар» туркумидан. «Фанга бағишланган ҳаёт». СССР Олий Советининг депутати, Абу Райҳон Беруний номли Тошкент Политехника институтининг ректори К. Аҳмедов ҳақида телеочерк (такрорий).
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси студентларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» (такрорий).
23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—17.10 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Ўқув программаси.
18.35 «Жеведа дарёси оқадиган жойда». Телефильм.
18.45 «Ким бўлсам экан?» (рус.).
19.15 Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалиги олдидан. «Буюк почин» анъаналари давом этмоқда».
19.45 Реклама.
19.55 Тошкент янгиликлари.
20.15 «Октябрь кунларида». Телефильм.
21.00 «Самарадорлик, сифат ва тежамкорлик».
21.30 МТ II

ЖУМА, 20. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Лениндан ўрганамиз». 3-кўрсатув.
10.10 «Қўшиқ айгим келади». Кўрсатувда Ленин комсомоли мукофоти лауреати МИФИ академик эркаклар хори иштирок этади.
10.45 «Кутилмаган севги». Бадиий фильм.
12.15 «Уфқ». «Дадам, ойим ва мен — спортчилар оиласи».
13.15 Янгиликлар.

* * *

14.55 Янгиликлар.
15.10 «Подмосковье қурувчилари». Ҳужжатли фильм.
15.40 «Рус тили».
16.10 «Объектив».
16.45 ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрида СССРда Польша маданияти кунларининг очилишига бағишланган концерт.
18.45 «Сиз яратган боғ».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 А. Бородин. 2-симфония. МТ ва БР Катта симфоник оркестри ижро этади.
19.55 В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 114 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ ВА КОНЦЕРТ. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Время».
24.00 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Дарахтлар ўсаверсин». Телефильм.
9.55—10.05 Илмий-оммабоп фильм.
10.55—11.05 «Эҳтиёт бўлинг, водород!» Илмий-оммабоп фильм.
12.05—12.40 «Декоратив-амалий санъат». Илмий-оммабоп фильм.
13.40—14.20 «Томас Мюнцер».
14.50 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув кўрсатуви.
15.35 «Чет эл тасвирий санъати». Дрезден галереяси дурдоналари.
16.05 «Чашмалар».
16.40 Н. Тихонов поэзияси.
17.15 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Онамларнинг мактаби».
19.20 «Изланиш». Ҳужжатли фильм.
19.30—20.30 «Саёҳатчилар клуби».
20.45 Концерт. Концерт тугагач — «Время».
22.05 «Овулим кишилари». Телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
23.15 К. Паустовский. «Жулдур шинелли чол».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Волга дарёси Ока дарёси билан учрашган жойда», «Кончиларнинг қишлоқдаги юмушлари». Телефильмлар.
11.30 Ўқув программаси (рус.).
12.00 «Маҳорат ва уддабуронлик билан». Телефильм.
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ҳаёт каби тирик».
18.45 «Совет турмуш тарзи». Кинопрограмма.
19.25 «Ахборот» (рус., ўзб.).
19.55 Москва. В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 114 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ ВА КОНЦЕРТ. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт». Самарқанд область Советобод райони чорвадорлари ҳақида телеочерк.
22.25 «Она қалби». Бадиий фильм.
00.05 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

9.00—17.20 МТ II
17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 «Ота-оналар, Сизлар учун» (рус.).
18.30 «Ульяновск». Телефильм.
18.45 Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалиги олдидан. «Пойтахтимиз чиройига чирой қўшилсин».
19.15 «Аёл қалби наволари». Музикали программа (такрорий).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Аёл қалби наволари». Музикали программа (давоми).
21.00 «Ўртоқ Ленин сўзи». Кинопрограмма.
21.30 МТ II

ШАНБА, 21. IV

БУТУНИТТИФОҚ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИГИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.45 «Спортлото»нинг 16-тиражи.
9.55 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
10.25 «Ватаним ҳақида куйлайман». Концерт.
10.50 «Ўсимликлар олами».
11.35 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
12.05 «Жуда яхши лавозим». Телефильм премьераси. «Улкан тақдир эгалари» туркумидан.
12.35 Давлат «Шлёнск» ашула ва рақс ансамблининг концерти (Польша).
13.25 «Дўстларимиз чеҳраси».
14.10 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
14.40 «Дунё воқеалари».
14.55 Коммунистик шанбалик кундалиги.
15.10 Спорт гимнастикаси бўйича СССР чемпионати. Донецкдан олиб кўрсатилади.
16.25 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати.
16.55 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
17.55 Коммунистик шанбалик кундалиги.
18.10 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 2-ҳаво армияси ветеранларининг учрашуви.
19.40 Тинчликни сақлаш Совет комитетининг раиси Ю. А. Жуков суҳбати.
20.10 «Ульяновлар оиласи». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Сменадан сўнг». Санъат усталарининг концерти.
23.40 «Қиёфадошлар». Телевизион музикали фильм премьераси.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
10.00 «Ворислар». Телефильм.
10.50 В. Кожевников. «Март — апрель».
11.20 УКРАИНА ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
12.20 «Ленин васиятларига содиқмиз». Ҳужжатли фильм.
12.40 А. Арбузов. «Иркутск воқеаси». Карелия АССР рус драма театри спектаклининг премьераси.
15.20 «Музика ва музикачилар ҳақида».
16.05 Ҳужжатли фильмлар.
17.15 «Бегона шаҳардаги ёмғир». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.
19.30 Коммунистик шанбалик кундалиги.
19.45 «Музикали киоск».
20.15—20.30 «Халқаро обзор».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 «Менинг мовий оролим». Москва «Ромэн» лўлилар театрининг фильм-спектакли.
23.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Рига) — «Химик». 2- ва 3-даврлар. Ригадан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Ҳужжатли кино экрани». «Буюк почин» анъаналари».
11.10 «Юлдузча». Болалар учун киноальманах.
12.00 «Бугун — Ленинча Коммунистик шанбалик». Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасидан репортаж.
12.25 Ҳамза номидаги Тошкент музика билим юрти «Дружба» студентлар оркестри ижро этади.
13.15 Телевизион миниатюралар театри.
14.00 «Шахмат мактаби».
14.30 Шанбалик кундалиги.

* * *

17.50 Кўрсатувлар программаси.
17.55 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.25 «Кино оламида».
19.30 «Ахборот» «Шанбалик тўлқинлари». Телевизион йўқлама (рус.).
19.50 Шанбалик қатнашчилари учун концерт.
20.30 «Ахборот». «Шанбалик тўлқинлари». Телевизион йўқлама.
21.00 Шанбалик қатнашчилари учун концерт (давоми).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Тўлиқ гектар — мўл ҳосил гарови».
22.20 «Россия юраги». Бадиий фильм.
23.50 Кўрсатувлар программаси.

● 18.05—21.30 ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

ЯКШАНБА, 22. IV

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУН

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Духовой оркестрлар чалади.
10.00 «Бунёдкорлик йўлидан». Куба Республикаси ҳақида телеочерк.
10.30 «Будильник».
11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
12.00 «Здоровье».
12.45 «Тонгги почта».
13.15 «Совет тупроғидаги учрашувлар».
13.30 «Қишлоқ янгиликлари».
14.30 «Музикали киоск».
15.00 Болалар учун. «Салом, дарё». Бадиий фильм.
16.00 «Пионер авлодлари қўшиқлари».
16.50 «Саёҳатчилар клуби».
17.50 «Жойида ҳал этилмоқда» туркумидан кўрсатув.
18.50 «Халқаро панорама».
19.35 Мультфильм.
19.50 Спорт гимнастикаси бўйича СССР чемпионати. Донецкдан олиб кўрсатилади.
20.30 «Ҳаётнинг кучи». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 «Дунё ва ёшлар».
22.40 Союзлар уйининг Колонна залида оммабоп классик куйлардан концерт.
23.20 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.15 «Орловский сувенир» ансамблининг концерти.
9.35 «Ўзбекистон чинниси». Телефильм (Тошкент).
10.00 «Рус тили».
10.30 «Халқ ижодиёти».
11.15 «Ҳаётимиз кўрки». Ҳужжатли фильм.
11.35 Л. Бетховен. «Аппассионата». Латвия ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби А. Зандманис ижро этади.
12.00 Стол тенниси бўйича Европа чемпионати.
12.35 УЛЬЯНОВСК ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
13.35 «Ҳайвонот оламида».
14.35 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
15.05 «Машҳур совет ижрочилари—Ленин мукофотининг лауреатлари».
15.55 «Ёдингдами, ўртоқ...».
16.55 «Бонивур қалби». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
18.00 «Скрипка миниатюралари». Фильм-концерт.
18.15 «Стадион ҳамма учун».
18.45 «Москванинг музикали уйлари». 1-кўрсатув.
20.00—20.30 Давлат рус музейи. «Рус ҳайкалтарошлиги».
20.45 «Инсон. Ер. Коинот».
21.30 «Время».
22.05 «Йигирма тўққизинчи йил баҳори». Телевизион бадиий фильм.
23.40 Стол тенниси бўйича Европа чемпионати.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Киноленинома тарихидан» (рус.).
11.25 Мультфильмлар.
12.00 «Қувноқ стартлар».
13.00 «Оққўнгил кишилар». Бадиий фильм.
14.20 Спорт программаси.
15.00 В. И. Ленин туғилган кунга. «Буюк қалб». Адабий композиция.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун. «Бойчечак».
18.35 Мультфильмлар.
19.10 «Мангу барҳаёт». В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалидан репортаж.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 В. Маяковский. «Владимир Ильич Ленин» поэмаси.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ленин берган саодат». Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси халқ чолғу оркестри иштирокида музикали-адабий композиция.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Телевидение экранида биринчи марта. «Ленин Парижда». Бадиий фильм.
23.50 Кўрсатувлар программаси.

● 15.25 — 21.30 ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

ҲУРМАТЛИ ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР!

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитети ўз программаларига ўзгаришлар киритиши мумкин.

ЙЎЛ ВА СПОРТ СУМКАЛАРИ, ЧАМАДОН, ПОРТФЕЛЬ —

ДОИМО ЗАРУР БУЮМЛАРДИР

«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИДА

17 — 21 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ

ТОШКЕНТ ЧАРМ-ГАЛАНТЕРЕЯ ВА СПОРТ БУЮМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДА

ТАБИИЙ ВА СУНЪИЙ ЧАРМДАН ТИКИЛГАН БУЮМЛАРНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Савдо-кўргазмасида театрга ва сафарга отланганда тутиладиган сумкалар, спорт ва ёшлар, болалар сумкалари, чамадонлар, портфеллар, камарлар, қўл соатлари учун тасмалар, кўзойнаклар учун ғилофлар, ҳамёнлар намойиш қилинади.

«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ соат 9 дан 21.00 гача танаффуссиз ва дам олиш кунисиз ишлайди.

САВДО-КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИ (телефон 77-14-31).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИК БЮРОСИ (телефон 41-54-21).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14/IV да Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист МАЛИКА АҲМЕДОВАнинг ижодий кечаси (17.00), Фирибгарнинг найранглари (19.30), 15/IV да Тумарис (премьера).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/IV да Қиёмат қарз, 15/IV да Аризасига кўра.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/IV да Гулсара, 15/IV да Тошболта ошиқ (12.00 ва 19.30). 16/IV да Тилдан олдин томоша.

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Совет цирки усталари ва татар «Сабан тўйи» аттракционининг хайрлашув томошалари (19.30).

кино

14 АПРЕЛДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚОТИЛ УЧУН ҚОРА НИҚОБ» — **Санъат саройи** катта зал (17, 19, 20.30, телефон 44-21-74), **Ватан** (жуфт соатларда), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87), **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20).

«ЁЛҒИЗЛАР ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **Санъат саройи** (11, 13, 15, 17, 19.00, кичик зал).

«СЕНИНГ ФРОНТИНГ ШУЕР» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

15 АПРЕЛДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚОТИЛ УЧУН ҚОРА НИҚОБ» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13, 15, 17, 19, 20.30, телефон 44-21-74), **Ватан** (жуфт соатларда), **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 77-06-20).

«ЁЛҒИЗЛАР ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-52), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда телефон 91-10-51), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61), **Санъат саройи** (17, 19.00, кичик зал).

«СЕНИНГ ФРОНТИНГ ШУЕР» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

МУТАХАССИСЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДОСИНИНГ ОБУНА НАШРЛАРИ МАГАЗИНИ

5 жилдли

«ҚОН ИШЛАРИ» ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИГА ОБУНА ЎТКАЗМОҚДА

Бай пули — 9 сўм.

«Инглизча неологик терминлар мукаммал луғати» (рус тилида) 3 жилддан иборат луғати сотувда бор.

Комплектнинг баҳоси — 15 сўм 10 тийин.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 7-уй. Телефон 44-57-41.

Магазин соат 10 дан 19.00 гача ишлайди.

Якшанба — дам олиш куни.

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

15 апрель соат 19.30 да

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

У. МУСАЕВ

«ТУМАРИС»

(3 пардали балет)

О. УЗОҚОВ либреттоси.

Дирижёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти А. АБДУҚАЮМОВ.

Балетмейстер-постановкачи — Ўзбекистон ССР халқ артисти И. ЮСУПОВ.

Рассом — Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати С. ФЕСЬКО.

БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.

33-90-81 телефони орқали справкалар олиш мумкин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг республика қурилиш-монтаж тресети коллективи трест бошқарувчиси Ҳ. М. Юсуповга онаси

Ҳумайра ХАЛИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»
—орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-14; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 32-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик тарбия —

14 АПРЕЛЬ 1984 й. Р—09195. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12